

Она юртинг — олтин бешигинг

ТОНГЮЛАУЗИ

Муассислар: УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБОУТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 48 (65924)
1996 йил, 10 июль, чоршанба

Сотувда эркин
нархда



УЗБЕКИСТОН

Мовий осмони-ла гўзалдир юртим,
Майса баргларида ўзгача чирой.
Тотли мевалари асалдир гуе,
Сахий далалари ноз-неъматга бой.
Бу юртнинг халқи ҳам сахий ва содда,
Нуроний кексаси меҳнаткаш, доно.
Ёшларин севгиси қўр-оташ мисол,
Утли кўзларида бир олам маъно.

Багри кенг юртдир бу, пок эрур
дили
Аҳил оиласек яшар кўп миллат.
Ҳалол меҳнат билан баҳт топиб
энди,
Дустлар даврасида яшар ҳамжиҳат.
Меҳридан андоза олади жаҳон,
Оқибат метинде мангум
мустаҳкам.
Мустақил юрт эрур, ҳур
Узбекистон —
Эртанги кун сари одимлар шаҳдам.

Анвар ИМИНОВ.

БОЛАПИКНИНГ ТИНИҚ БУЛОҚЛАРИ

Атрофи баланд тоглар билан уралган «Зилола» номли болалар оромгоҳи Бўстонлик туманининг Оқтошида жойланған. Бу ажаб масканда дам олаётган тентдошларингиз ҳар бир кунларини қувноқ ўйинларга, ибратли ишларга тўлиқ ҳолда хотираға муҳрламоқдалар. Спорт майдончаси, чўмилиш ҳавzasи, сайру-саёҳатлардаги эсда қоларли воқеа ва ҳодисалар вақти келиб, яқинларига сўзлашга мавзу булиши аниқ. Феруза Насреддинова, Саноат Усмонова, Маргарита Лим қаби тарбиячиларнинг тадбир ўтказмаган кун-

лари йўқ, хисоби. «Қувноқ маҳалла», «Масҳаробозлар», «Қувноқлар ва зукколар» каби ўйинларни ўйин дейиш керакми, беллашувми, хулласи қалом борларни бефарқ қолдирмағити.

400 уринли оромгоҳда Қорақалпоқ болалари ҳам дам олмоқда. Уларга Тошкент педагогика билим юртнинг 3-босқич талабалари етакчи. Бу йил ташкил қилинганига 30 йил тұладиган «Узбеккабель» Давлат акционерлик бирлашмасига қарашли «Зилола»да 4 минг 750 сум эмас, балки 260 сум билан бир ой мириқиб дам олиш мум-

кин. Қолғанӣ эса бирланма хисобидан булади.

— Бу ерда мазза қилиб дам оляпмиз, — дейди Чилонзор туманинаги 114-мактабнинг 7-синф ўкувчиси Дишод Миржалиров.

— Шашка, сузиш, футбол каби тугаракларга қатнашмиз, — сухбатта қўшилишади А. Икрамов туманинаги 197-мактаб ўкувчилари ака-ука Муроджон ва Собиржонлар. — Иложи булса кейинги ойга ҳам қолмоқчимиз.

Оромгоҳ багридаги қайнар булоқлар болалар хотираасига меҳр булиб, сеҳр булиб муҳрланаётгани аниқ.

Феруза ОДИЛОВА.



«ИШЛАР ҚАЛАЙ

Катталар мени қўришлари билан «Ишлар қалай, чемпион?» дейишади. Нега дейисизми? Сабаби аниқ. Эриб кетаётган музқаймогимиз эмасам смайманки, аммо футбол ўйинларини қўришни канда қўлмайман. Шунингдек чемпионат, «биринчилик», «соврин»... деган сўзлар кунлик лугатимдан тушмайди. Ҳозир мактабимизда ташкил қилингани оромгоҳ — «Наврӯз»да дам оляпман. Оромгоҳимиз бошлиғи Гавҳар опа Тулаганова онамиздек меҳрибон. «Булбулча», «Ғунча», «Чучомма», «Бинафша» каби гуруҳларимиздаги мусобақали ўйинлардан сира зерикмаямман. Шундайлардан бири «Энг, энг, энг»... деб номланди. Энг яхши рақсга тушувчи 3-синф ўкувчиси Гулнора Файзуллаева, энг яхши қўшиқчи Дилдора Обидова, энг яхши спортчи Ҳикматилла Каримов, яъни мен бўлдим. Доирачилар, бичиши-тикиш, юмшоқ ўйинчоклар, рақс, қўшиқ, тугаракларининг аъзолари ҳам совринлардан бенасиб қолишмади. Яна бир гап. Биология ўқитувчиси Турсун-


бой ака Муҳаммадалиев билан ўсимликларни, дарахтларни ҳамиша парваришлаш кераклиги ҳақида суҳбатлашамиз, боғда меҳнат қилиб, ёз меваларидан олиб сўмиз. Биласизми, бу мевали дарахтларни ким эккан экан? Биздан аввал мактабда ўқиган ака-опаларимиз. Демак, биз ҳам ёш укаларимизга нимадир қолдиришимиз керак.

ЧЕМПИОН?

Фақат мен эмас, Лутфулла, Жамшиддин, Муҳитдин каби турли мактаблардан келиб, биз билан бирга дам олаётган болалар айтишин, ҳар бир кунимиз спорт билан, меҳнатга ҳамрохликда қандай қувноқ утаётганини! Биз ҳақимизда деворий газета чиқаришиб, катта ҳарфлар билан «Оромгоҳимиз чемпионлари» деб ёзил қўйишиди. Мен билан «Ишлар қалай, чемпион?» деб сўрашишганда ҳам кувонишим, ҳам елкамга катта масъулият олишим турган гап.

Ҳикматилла КАРИМОВ,
Тошкент шаҳар, Шайхонтохур
туманинаги 186-мактаб ўкувчиси.





Болалик ҳақида ёзип ҳам осон, ҳам қийин. Энг азиз түйгулар, бегубор хотиралар уйгонади, болалик ҳақида гапирсак. Унинг хотирот саҳифаларида мухрланиб қолган ҳар бир лавҳаси азиз ва ардоқли. Улгайтаганинг сари ҳаёллар ҳанотида уша эртакнамо мамлакатта тез-тез учгинг келаверади. Ҳайрат ва ҳавас ранглари юқсан қирларидан ялангоқ чопинг, поёнсиз елгизоек йулларида қолиб кеттинг келади. Болалик гайройиб бир эртакка ҳам үхшаб кетади. Хотира мизда мухрланиб қолган айрим воқеалар болаликдаги мургак ғасавурнинг маҳсулни булиб, аслида

моқчи» деган хаёлдан тиззаларим қалтираб, туриб қочишга ҳам холим келмай қолганди. «Дадам уйдалар, ҳозир чақираман» дедим охиста. Лекин бу гапимни үзимдан бошқа ҳеч ким эшилмади. Амаки яға нималарнидир уқтироқчи бүжди-ю, бундан бирор натижага чик маслигига кузи етди чоги, машинасини юргизиб, кетиб қолди. Мени бир амаки угирилаб кетмокчи булғанлигига, базур қочиб кутулғанлигимга ойимни, дадамни, бувимни, уртоқларимни, ҳамма-ҳаммани ишонтириб юрдим. Бора-бора «үгри амаки» ҳақидаги ҳикоямга үзим ҳам ишониб кетдим.

Балки күрганим ажинамасдири, ростдан ҳам күзимга күрингандир. Балки... Яна ким билади дейсиз?!

МАКТАБ

Кучача чангитиб юрадиган, ҳар

БОЛАЛИГИМ ГАРОЙИБ ДИНЕ

МЕН АЖИНАНИ КҮРДИМ

Болалик хотиралари ичидан эсимда қолғанларидан бири — ажина күрганим. Балки ишонмассиз. Лекин росмана ажина эди. Буйи бир қарич, күлоқлари күенниң күлоги сингари узун-узун.

Бир куни уртоқларим билан уйнаб юриб, кенг далага чиқиб қолибмиз. Ҳөвлимиzinнинг бөг тарафи далага туташиб кетарди. Уртоқлариминнинг оналари бирин-кетин чақириб олишди. Үйнинг берилиб кетибман. Бир пайт қарасам, ёлғыз үзим қолибман. Қаршымда паҳта экилган кенг дала. Ғузалар эндигина қашқулоқ униб чиқкан. Қоқ түш пайти. Ҳаво иссиқ. Шу пайт узоқдан чанг кутарылиб гирдобсифат айланып башлади. Үнга ҳайрат билан тикилиб қолдим. Гирдоб қандайдир сирлидек эди. Унинг қоқ ургасида галати маҳлуқ күринди. Қузларимни йирибрөк қарадим. Ростдан ҳам ҳеч бир ҳайвонга үхшамайдиган галати, қип-қизил маҳлуқни күрдим. У менга қараб мүком қиласар, гир айланыб ракста тушарди. Унинг билан бирга гирдоб ҳам айланар, мен томонга силжыб, яқынлашиб келарди.

Оғзимни очиб бирпаст томоша күлдим. Кейин хаёлимдан бирдан



хил «үгри амаки»лару «ажина»ларга дуч келадиган пайтларим ортада қолди. Мен мактабга чиқдим. Мак-



таб менга гүе сирли бир дунёдек туюлди. Муаллимлар, янги-янги уртоқлар... Үқишин үрганиб олдиму китоблар дунёсига шунгигиб кетдим. Китоб фикрлашга, яхшиликни, эзгуликни англаб етишга ургатар экан, назаримда дунё ҳақидаги тасаввурим янада кенгайиб бораёттандек эди. Ҳатто үйнинг ҳам вақтимни қизғанадиган булиб қолдим.

Бир куни акам шоир Ҳамид Олимжоннинг «Жангчи Турсун» балладасини ёллаётган эдилар. Күлөк солдим. Уша шеърнинг сатрлари күнглигимга чиппа ёлиштандек булиб. Тушунтириб бүлмас қандайдир сөхр билан үзига мафтун эти. Акам китобни күйганды, уни қулемгана олдим. Ҳарфларини хижжалаб, шеърни уқиб чиқдим, яна бир марта уқибдим. Эртаси куни үқитувчимизга ана шу шеърни ёддан айтты бердим. Кейин бу шеърни колхоз радиоузели орқали ҳамкишоқларимизга уқиб бердим. Бора-бора митти қал-

1985 йили «Осмон шундай якин», 1987 йили «Узок сафарлар», 1990 йилда «Барғизуб»номли шеърий тұпламаларим нашар этилди.

Севімли газетамиз «Тонг ўлдузи» сабаб болалигим билан ҳәлли мұлоқот қилиб турған эканман, уни гүе ширин бир түштек зәліман. Ҳае теб атамыш улкан даренинг тұлқынли уммонари болалик деб аталған гавҳаримни оліс-олисларга оқызыб кетди. Шулар ҳақида үйлаб, бир шеър қораладым:

БОЛАЛИК

Сен ҳам майсамидин баҳор

куйнида,

Яйраб үстен эдинг дарә буйида.

Билмадым, қай орзу, армон

уйида,

Сени тұлқынларга оқыздым

уйнаб.

Бошимдан турналар түкканды

хаел,

Берк эшик киридең, дунёда

малол.

Күкларга боктиму, беспаро,

бәзөл,

Сени тұлқынларга оқыздым

уйнаб.

Әнди умрим уммона сари

елдими,

Баҳор үтиб, яна баҳор келдими,


Багрида дур оқди, даре

биддими,

Сени тұлқынларга оқыздым

уйнаб...

Фарғат КАМОЛОВА.






Күн чипашың шыңдаған еттә.
Дүгендеп жаң бійса соғ да!

Р.Альбеков сурат-лавҳаси.

ХИКМАТЛИ СҮЗНИ ТОПИНГ!



Бошкотирмалар

Тасвир атрофидаги кесиш-
ган чизиқларда ҳикматли сұз
яшириңган. Уни шакл мар-
казида берилған ҳарфлар
жойлашишига мувофиқ
аниқлаб, бүш айланаларға
еңинг. Жавобни кетма-кет,
соат мили йұналиши буйича
үқисанғиз, муаммономадаги
ҳикматли сұзни билиб ола-
сиз.

Тузувчи: Ф. ОРИПОВ.

РАҚАМЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИНГ

Шаклдаги айланаларга 1 дан 17 гача бұлған рақамлар-ни ёзиш билан машқни ҳал этиңг. Едингизда бұлсинки, шакл марказидаги чизиклар буйича диагонал ҳолда жойлашған учта рақам йи-гиндиси бир хил булиши керак. Ечимни бир неча усул билан ҳал этиш ҳам мүмкін.

**Тузувчи: Фозилжон
ОРИПОВ.**

ગુજરાતી કથા ઓફ લિંગ

Бу йилги ёзги таътил Фузор туманидаги «Шуртнгаз» газ кони ишчиларининг фарзандлари учун эсда қоларли булди. Бошқарма бошлиғи Абдулла ака Абдуназоров ҳамда касаба уюшмалари күмитаси раиси Турахон ака Турсуновлар кон ишчиларининг bemор фарзандларини даволаниш учун Тошкентта юбориш ташаббуси билан чиқдилар. 6000 сүмлик йулланма нархининг 10 фоизини отаоналар тулашган бўлса, қолган 90 фоизини касаба уюшмалари күмитаси ўз зиммасига олди. Кон ишчиларининг 54 нафар фарзанди Тошкентта, Узбекистон Республикаси соғлиқни сақлап вазирлигига қарашли Н. А. Семашко номли саломатликни тиклаш физиотерапия илмий текшириш илмгоҳига келдилар. «Шуртнгаз» кошидаги «Нодира» болалар боғчаси ҳамшираси Лола опа Назимова уларга ҳамроҳ булди.

Уларни болалар даволаш бирлашмасиннинг раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди, катта илмий ходим Холида опа Умарова илик қарши олди. Ошқозон, ичак, бүгим, асаб, упка хасталиклари билан оғриган болаларни махсус жиҳозланган хоналарга жойлаштириди. Республика қуғирчоқ театри актёрлари бу ерда бўлиб, қизиқарли спектаклар куйиб беришиди. Дам олиш кунларида тарбиячи опалари болаларни шаҳарнинг дикқатга сазовор жойларига сайдир қилирди, Мустақиллик майдони, «Ташкент-ленд» истироҳат боғи, ҳайвонот боғига одиб борди.

Фузорлик болаларнинг саломатликларини тиқлаш билан бирга таътил кунларида күнгилли дам ҳам олаётганликлари уларнинг юзкузларидан, қизиқарли ҳикояларидан сезилиб турибди.

Мухаббат МАКСУДОВА.

УЗДИМІННЯ ВІДЕОАРКАДА УКІЗЛАНДІЯ


Хунар — хунардан унар

лот үтигина қолмай, турли қи-
зиқарлы тадбир ва кечалар ҳам
уюптиришади.

Ижодиёт марказида укув йили бопида «Энг илгор иш тажрибаларини үрганиш» буйича утказилган ҳафталикда бу икки фидоий тугарак раҳбарларининг иш тажрибалари оммалаштирилган эди. Бу укув йилидан эса вилоят миқёсида иш тажрибаларини тарғиб қилиш буйича методик ишлар олиб боришишти. Ҳар иккиси ҳам I-тоифали тугарак раҳбарлари дирлар. Йил давомида тугарак раҳбарлари ижодкорлигини ошириш мақсадида утказилган «Нафосат», «Бахт кулиб боққанд» номли беллашувларининг фаол иштирокчилари булишди. Уларнинг куплаб шогирдлари туманда танилган қўли гул чеварлардан.

Бу ижодкор, изланувчан тұ-
гарак раҳбарларининг фи-
доийликларига фақат ҳавас
қилиш мүмкін.

**Олия ФАЙЗИЕВА,
Навоий вилояти.**



ИРКИТ ПУЛЛАР

Шу кунларда «Тюмен ҳақиқати» газетаси саҳифасида «Овқатланишдан олдин албатта қўлингизни ювинг!» деган эълон тез-тез тақоррланмоқда. Бунинг сабаби шифокорлар томонидан муомаладаги пулларнинг бир қанчаси текшириб кўрилганда, пулларда, (айниқса майдасида) жуда кўп касалликларни чаки-

ЎҚИНГ, ХУЛОСА ЧИҚАРИНГ


рувчи микроблар борлигидир. Мисол учун нефтчилар шахри Нягань бозорчасидаги иркит пуллардан иҷбуруғ, стофилакокк, тери касалликлари таёқчалари тоғилган.

УЙҚУДАГИ ТУЛКИНИ ЎЙФОТМАНГ

Фарбий Қозогистоннинг

Трекино посёлкаси ишчисининг улемига тулки сабабчи бўди. Водоканалда машинист бўлиб ишлайдиган марҳум қувур устида утирган тулкини кўриб қолади ва уни тушиб нияти пайдо бўлади. Лекин тулки уни тишлаб олиб, қочиб кетади. Машинист бўлса дарҳол шифокорларга мурожаат қилиш ўрнига бепарво юраверади...

Абдулатиф БЕКМУРОДОВ
тайёрлади.



Қай мақомга чалсан экан-а?

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва
ўсмиларининг газетаси

Бош
мухаррир
Умид
АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙўЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компаниярида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ Буюртма — Г-0377, 7691 ишхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга тошириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30

- Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
- Манзилимиз: 700083, Тошкент шахри, Матбуотчилар кўчаси, 32-йи.
- Телефон: 33-44-25

Мұтода наслуни

Мидия шохи Гиштаспнинг кичик укаси Зариадр Каспий денгизидан Танаис Сирдарёга бўлган улқада хукмронлик қиласарди. Танаиснинг нариги қирғоғида эса Омарг исмли шоҳ подшоҳлик қиласар эди. Унинг Одатида исмли гузал қизи бор эди.

Одатида бир кун тушида Зариадрни кўриб, севиб қолади

ЗАРИАДР ВА

ва доим шу севги изтиробида қийналади. Зариадр Омарга қизини суратиб совчилар юборади. Лекин Омарг бошқа фарзанди бўлмаганлиги туфайли қизи Одатидани бегона юртга узатишни хоҳламайди ва уни ўз яқинларидан бирига бермоқчи бўлади. Бир куни Омарг қизини кимга беришини сир тутган ҳолда тўй базми ўюштиради. Базм авжга чиққанида қизини чақириб унга: «Қизим, биз сенинг тўйингни қиляпмиз, шу ерда утирганлардан қайси бирини ёқтирасанг ўшанга олтин

қадаҳда май тутгин. Сени ўшага берамиз», дейди. Одатида атрофиға қараб йигилганлар орасида севгани Зариадрни ахтаради, уни кўрмагач йиглайди. Чунки қиз йигитта хабар юбориб, уни огоҳлантириб қўйган эди. Зариадр бу вақт бир кемачини ёллаб, унинг ёрдамида дарёдан утади ва скиф кийимида базм булаётган ерга боради. У кўзлари ёшга тўла қадаҳ тутиб турган Одатидани кура-

ОДАТИДА

ди-да, унга яқинланиб: — Одатида, мен Зариадрман, мана мен ёнингдаман, — дейди. Қиз қулидаги қадаҳни йигитта тутади. Зариадр Одатидани етаклаб яширинча кемачи турган ерга олиб келади ва улар биргалашиб Зариадр юртига кетадилар. Омарг қизининг гойиб булганидан огоҳ бўлгач, хизматкорларни бир-бир сўроқ қилали. Қиз севгисидан ҳабардор хизматчилар: «Биз ёч нарса билмаймиз», — деб жавоб қиладилар.

Насиҳатнома

мұтадил сувни қўйғил. Агар ҳаммом холи бўлса, ганимат билғил, чунки донишмандлар холи ҳаммомни ганимат билгайлар.

Ҳаммомга қандай кирғон булсанг, шундай чиқиб кетгил, яни қуритиб чиқғил. Чунки ҳўл мўй била чиқиб йўл юрмок улувларнинг иши эмас ва ҳўл мўй била улувларнинг саломи-

ПОКИЗА БЎЛМОҚ ЗИКРИДА

дур. Демак, ҳаммомга бир кун бориб, бир кун бормагон яхшидур, чунки бадан тинчланади ва халқ ҳам бу одатингни раънолиққа мансуб қилмаслар.

Хоҳ ёз, хоҳ қишида ҳаммомга борсанг, аввал совуқ хонада утири, бу хонада баданинг роҳат қилсин. Сунгра, иссиқ хонага, яни уртадаги уйга кириб, уйда бир соат утиргил, токи иссиқ уйдан роҳат қилғил. Иссиқ сенга таъсир қилғондин кейин хилват хонага бориб, унда ювингил.

Икки сувнинг ичидаги утиргил, кўп иссиқ ва кўп совуқ сувни бошингдан қўймагил,

га бориши ҳам одобдан эмасдур.

Демак, сен ҳаммомнинг нафва зарарини билдинг, аммо ҳаммомда сув ва шарбат ичишдан парҳез қилғил. Бунингзиёни кўпдур, истисқо касали шундан пайдо бўлур. Агар жуда ҳам хумор ва ташна бўлсанг, оз ичгил, бу билан хумор ва ташналик шиддати босилгай.

Донишмандлар ҳаммомдан чиқадигон булсалар, ҳаммомнинг жомаҳонасида бир оз ухлаб оладилар, сунгра ҳаммомдан чиқиб кетадилар.

Лигат дафтарингизга

1. Раънолик - магнурлик
2. Мұтадил — ўртача